Тола экспортга жўнатилди

Наманганда шундай қўшма корхона бор: «Силк Роуд». У Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигида тузилган. Ипак толаси ишлаб чиқаради. Яқинда ушбу қўшма корхона ўз маҳсулотининг дастлабки туркумини хорижга, яъни Японияннинг йирик тўқимачилик фирмаларидан бирига жўнатди.

Қўшма корхона Японияннинг машҳур «Марубени Корпорейшн», «Джайдо», «Канебо Силк Элеганс» фирмалари томонидан келтирилган замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

Профессорга Туркиядан хат

Профессор Қунисбой Камолов Ажиниёз номидаги қорақалпоқ давлат педагогика институтида ишлайди. Яқинда унга туркиялик шоир ва олим Ирфон Анвар Насриддин ўғлидан хат келди. Унда 170 йиллиги нишонланадиган Бердақнинг турк тилига ўзи таржима қилган шеърлар китоби илова қилинган эди. Тўпламдан шоирнинг шеърларидан ташқари Қорақалпоғистоннинг табиати, тарихи, Нукус шаҳри тўғрисида маълумотлар ҳам берилган.

Нилуфар АСИЛБЕК қизи

Ўқувчиларга стипендия

Шаҳрихон тумани Дўлан қишлоғидаги «Садо» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси ўз оталиғидаги 44-ўрта мактабнинг иқтидорли, аълочи ва фаол ўқувчиларидан 20 нафарига стипендия таъсис этди. Уларнинг ҳар бирига минг сўмдан стипендия берила бошлади.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Бепул пойабзаллар

Қўқон шаҳридаги «Қўқон пойабзали» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бошланғич синф ўқувчилари учун қишки оёқ кийимлари тайёрлаб, савдога чиқармоқда. Республика Халқ таълими вазирлиги буюртмаси билан бу ерда ишлаб чиқарилган 10 минг жуфт қишки пойабзал кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул тарқатиладиган бўлди.

Алишер ИБОДИНОВ

«Кейс»лар кўл келмоқда

Нишон тумани пахта топшириш бўйича вилоятда илғорлар сафида турибди. Бу йил 22420 гектар ерга уруғ қадаб, 49400 тонна ҳосил кўтариш кўзда тутилган. Туманда 272 та пахта териш машинаси мавжуд бўлиб, уларнинг барининг далага чиқарилган. А. Қодирий номли хўжаликда 26 та терим агрегати ёрдамида ишлар қизитиб юборилган. Бу техникадан бештаси АҚШда чиқарилган «Кейс-2022» бўлиб, деҳқонлар юмушини енгиллаштирмоқда.

Илҳом КАРОМОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 6 октябрь, сешанба • № 119 (23.356).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш, банк ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказиш, кредитлар бериш ҳамда уларнинг қайтарилишини таъминлаш учун банкнинг раҳбар ва ижроия органлари жавобгарлигини ошириш, шунингдек хусусий банклар ташкил этиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Акциядорлик тижорат банки тўғрисидаги Низом.

Акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Намунавий низом.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шу йилнинг охирига қадар тижорат банклари, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Намунавий низомга мувофиқ акциядорлик тижорат банкларининг Кенгашлари тузилишини таъминласин.

Бунда банкларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтиришга ҳамда акциядорлар сармоясини қўшимча равишда жалб этишга, банкларнинг фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг роли ва масъулиятини оширишга, банкларнинг ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказишга эътибор қаратилсин.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига махсус комиссия тузиш тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банкнинг устав капиталида давлатга тегишли акциялар пакети 25 фоиздан ошган ҳолларда банк Кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ишончли вакил киритилади, унинг зиммасига мазкур акциялар пакетини бошқариш вазифаси юкланади.

4. Акциядорлик тижорат банки Кенгаши:

банк филиалларининг Бошқаруви ва раҳбарлари билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, мазкур Намунавий низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқ кредитлар берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар бўлиши;

банк Бошқаруви раиси ва аъзоларини тайинлаши;

банк Бошқаруви раиси билан меҳнат шартномаси тузиши белгилаб қўйилсин.

5. Акциядорлик тижорат банкларига қуйидагилар тавсия этилсин:

икки ой муддатда қонунчиликда белгиланган тартибда ўз низомлари ва ички меъёрий ҳужжатларини ушбу Фармон билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳолга келтириш;

1998 йилнинг охиригача акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилишини ташкил қилиб, уларда банклар Кенгашларининг таркибларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Банк Бошқаруви раиси ва аъзоларининг белгиланган тартибда банк Кенгаши томонидан тайинланишини таъминлаш;

Бошқарув раисининг ва банк ички аудит хизмати раҳбарининг ҳар чорақдаги маърузаларини Кенгаш ҳузурида мунтазам тинглаб боришни амалиётга жорий қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидагилар тавсия қилинсин:

тижорат банкларининг фаолияти устидан назоратни ошириш, улар томонидан операторлик вазифаларини амалга ошириш бўйича талабларни кучайтириш, зарур ҳолларда банклар томонидан акциядорлик тижорат банклари фаолияти тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ва акциядорларнинг ҳуқуқлари камситилганлиги учун уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, ҳатто банк лицензиясини қайтариб олиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимлари билан бирга бир ой муддатда хусусий сармоя иштирокидаги акциядорлик тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирларини, шу жумладан янги ташкил этилаётган ҳамда ишлаб турган тижорат банкларининг устав капиталига аҳоли ҳамда хусусий тадбиркорларнинг бўш пул маблағларини инвестициялаш жозибадорлигини ошириш, моддий-техника базасини шакллантириш, шунингдек ходимлар билан таъминлаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш чоғида шундай банкларга амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда:

1999 йилнинг 1 июлига қадар давлат маблағларини жалб этган ҳолда ташкил қилинган банкларнинг устав капиталидаги давлат улуши кўпи билан эллик фоизни ташкил этиши, қолган қисми эса юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан банкларнинг мижозлари ўртасида жойлаштирилиши лозимлигини назарда тутиб, тижорат банкларининг устав капиталига нисбатан қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқсин;

икки ой муддат ичида тижорат банклари олдидаги қарздорликни реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, бунда ҳукумат қарорларига биноан кечиктирилган кредитларни белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш механизмини кўзда тутсин.

8. Ўзбекистон банклари уюшмасига қуйидагилар тавсия этилсин:

тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда банкларнинг мижозларини ва эҳтимол тутилган сармоядорларни ўзларининг эркин пул маблағларини банклар томонидан чиқариладиган акцияларга мақбул тарзда жойлаштиришлари учун кенг ахборот билан таъминлаш борасидаги комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

1998 йилнинг 1 декабрига қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда банкларнинг молиявий ҳолатини мустақил рейтинг компаниялари баҳоларининг натижалари билан оммавий ахборот воситаларида мунтазам суръатда ёритиб бориш чораларини кўриш;

1998 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси билан биргаликда банк омонатларини нотижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш тизимини янада ривожлантириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар ўзларининг меъёрий ҳужжатларини ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

10. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 октябрь

Наманган туманидаги «Олти қаҳрамон» жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Нилуфар Зокирова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Бу дунёнинг ишлари

Махсус мажлис

АҚШ Президенти Билл Клинтон куни кеча жаҳоннинг 22 мамлакати аъзо бўлган гуруҳнинг махсус мажлисида иштирок этди. Бу гуруҳга «еттилик» ва 15 мамлакат вакиллари аъзо бўлиб киришган. Америка Президенти иқтисодий ўсишда бўлган мамлакатларга кредит ажратиш бўйича ўз режасини тақдим этди. Ушбу мамлакатларда инқироз вазиятларини бартараф этиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Самарали музокаралар

БМТ Бош котибининг Бирлашган Араб Амирликларидаги махсус вакили Лахдар Ал-Иброҳимийнинг Афғонистон бўйича олиб борган музокаралари фойдали ва самарали бўлди. Бирлашган Амирликлар Афғонистондаги толиблар ҳукуматини тан олган уч давлатнинг биридир. Бирлашган Араб Амирликларининг Ташқи ишлар бўйича давлат вазири шайх Ҳамдам Ал-Нахайян Лахдар Ал-Иброҳимийни ишонтириб айтдики, унинг мамлакати Афғонистондаги ва унинг атрофидаги минтақада тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга қаратилган халқаро ҳаракатларда иштирок этишга ҳамиша тайёр. БМТ Бош котибининг элчиси Абу-Даби шаҳрида, шунингдек, «Толибон» ҳаракати раҳбарининг сиёсий маслаҳатчиси Вакил Аҳмад Ал-Мутаваккил билан ҳам учрашди. Мутаваккил ўз навбатида унинг ҳукумати Эрон билан тўғридан-тўғри музокаралар бошлашга тайёр эканлигини билдирди. Лахдар Ал-Иброҳимий эса, кеча Теҳронга учиб кетаётиб, унинг бу сўзларини Эрон раҳбариятига етказишини айтди.

Вабонинг олди олинди

Афғонистонда шу йилнинг ёз ойларида тарқалган вабо эпидемиясини бартараф этишда БМТнинг болаларга ёрдам кўрсатиш халқаро жамғармаси ва жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ёрдами катта бўлди. Бу ҳақда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг вакили Муҳаммад Даим Какар айтди. Унинг сўзларига қараганда Афғонистонда вабо қанчалик даражада тарқалганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳозирча йўқ. Лекин дастлабки хомчўтларга қараганда, бу хавфли касалликдан ўтаётган йилда мамлакат бўйича 10 киши оламдан ўтган. Бу ўтган йилга нисбатан анча камдир. Муҳаммад Даим Какарнинг ҳисоб-китобларига кўра, агар толиблар июль ойида ноҳукумат ташкилотларининг ходимларини Афғонистондан чиқариб юбормаганларида бундай йўқотишлар бўлмас эди. Бироқ, улар мамлакатдан кетаётганда қолдирган медицина дори-дармонлари вабо билан касалланган кўплаб афғонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилди.

«Обуна-99»

Газетамизнинг доимий муҳлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмидингиз?

— Жамоангизда неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Муҳсинжон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Давлат тест маркази» директори:

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарини республикамиздаги энг нуфузли рўзномалардан деб биламан. Меҳнаткаш халқимиз бу рўзномалар орқали республикамизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги янгиликлар билан танишиб боради.

«Ўзбекистон овози» Давлат тест маркази материалларини ёритиб бориши бизни кўпроқ қувонтиради. Газетада ёшлар ҳаёти, уларнинг интилиши, илм ўрганиши кенг ёритиб борилади. Чунки, ДТМ раҳбари сифатида маънавияти бой, келажакка ишонган илмли ва маърифатли ёшлар республикамизда кўп бўлишини истайман.

«Ўзбекистон овози» газетасида истиқлолнинг 7 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати» саҳифаси берилди. Унда республикамиздаги барча вилоятлардаги ютуқлар ёритилди.

Газета юртбошимиз Ислом Каримовнинг нутқ ва мақолаларини чоп этиб, жамиятимиздаги ўзгаришларнинг моҳиятини, ривожланиш истиқболларини кенг ёритиб бормоқда.

Бу газеталарга биз ҳар йили обуна бўламиз. Бу йил ҳам жамоамиз билан обуна бўлиш ниятимиз бор. Вилоят бўлимларимиз ҳам обуна бўлишмоқчи.

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози»
якка обуначилар учун — 220
ташкилотлар учун — 221
«Голос Узбекистана»
якка обуначилар учун — 121
ташкилотлар учун — 122
«Осиё бозори»
якка обуначилар учун — 174
ташкилотлар учун — 175

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 6 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиланди

Бунда 1 АҚШ доллари 105 сўм 80 тийин қилиб белгиланди

Журналист текшируви

Бозорқўм ҳақми ё милиция?

(Гумбулоқ машмашаларидан бир лавҳа)

Бозор ўз номи билан бозор. Айниқса, Шарқ бозорлари ўзининг гавжумлиги, сершовқинлиги билан файзли. Аммо, бозор бозоржойдан ташқарида бўлса бошқачароқ бўлар экан. Деҳқоноободга навбатдаги сафаримда бунга амин бўлдим.

Балки ўқувчи менинг нима демоқчи бўлаётганлигимга тушуна олмаётгандир. Гап шундаки, 18 сентябрь куни Деҳқонообод туманининг Гумбулоқ бозорида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаплар бўлди.

Бозор Тошкент—Термиз йўлининг устида, яна қишлоқларга чиқадиган иккита йўл келиб туташган манзилда жойлашган. Шу боисми, у туманда энг катта, вилоятда ҳам учинчи-тўртинчи бозор саналади. Бироқ, шу куни, негадир, бозор эшиклари тақа-тақ ёпилган. Молбозор ҳам, тижорат бозори ҳам. Энг қизиғи эса, катта йўлнинг икки четида кийим-кечак, туташ йўллар устида қўй-эчкию от-сигир савдоси авжига чиққан. Тинимсиз қатнаётган техникаю одамлар оёғи остидан кўтарилаётган чанг қошқовоғига қўнган сотувчилар орасида «ошга келинг», «сомсалар бор», «қайноқ перажки» дея харидор чақираётганлар ҳам бор. Янаям қизиғи эса; буларнинг ҳаммаси ҳар-ҳар жойда белини ушлаб турган бир нечта милиция ходимларининг кўз ўнгида рўй бераяпти. ДАН нозирлари бўлса, йўлдан ўтаётган машиналарни тезликни пасайтиришга ундаб турибди...

— Бу нима тўполон? — дейман одамларга юзланиб.

— Э, ким билади дейсиз, саллани сўраса каллани олиб борадиган раҳбарларнинг иши-да.

Жавоб этимни жимирлатиб юборади. Аста егулик сотаётганларнинг олдига ўтаман:

— Бу чангда овқатингизни еган одам касал-пасал бўлиб қолишини ўйламайсизми?

— Ичкарига қўйишмаса нима қилайлик, тирикчилик, ака.

— Ҳеч ким огоҳлантирмадими силарни?

— Йўқ.

Борган сари асабларим таранглашиб бораётганини ҳис қиламан: нима бало, қонунларнинг қўли етмайдиган оролчами бу?

Яхшиямки, бозорқўм шу ерда, норасмий «молбозор» ичида юрган экан. Одамлар дарров кўрсатиб юборишди.

— Менга нима дейсиз, ана, мелисалар бозорни ёпиб ўтирибди, якшанбага кўчирар эмиш. Аслида мактаб ўқувчиларини пахта ҳашарига олиб чиқишаётганлиги учун шундай бўлиб қолди, — дейди ўзини Юсуф Ҳазратов деб таништирган бозорқўм.

— Барибир бозор тарқамабдику. Бундан кўра ичкарида давом этгани яхши эмасмиди, қайтанга тартиблироқ бўларди. Умуман, ҳашарчиларнинг бозорга нима алоқаси бор?

— Биз ҳам шуни айтяпмизда. Халқни барибир қайтариб бўлмайди. Техникага пул сарфлаб 20-30 километрдан сарсон бўлиб келгандан кейин сотиб кетайин дейди-да. Балки, кўпчилигига пул зарур бўлиб тургандир. Агар бозор очилганда давлатга ҳам қанча пул тушим бўларди. Мана энди ҳеч гап йўқ.

— Чипта сотмаяпсизми?

— Ташқарида қандай сотасиз? Демак, милиция ходимлари билан гаплашиш керак экан-да, деган хулосага келиб, уларнинг «катта»роғини изладим. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Жўра Иззатов шу ерда экан. У бозор ёпилиши вилоят ҳокимининг мол бозорини якшанбага кўчириш ҳақидаги ўтган йилги фармойиши (аниқ вақтини эслай олмади) асосида бўлаётганлигини айтиб: — Халқимиз халқ эмас, ҳеч тартибга солиб бўлмайди, — деб куюниб қолди. — Мана, бугун бозор бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан яна келиб ўтиришибди. Лекин, кейинги ҳафта келинг, ҳаммаси жой-жойида бўлади.

Хуллас, фармойиш ўтган йили чиққан бўлсаю, нега энди айнан кейинги ҳафтага келиб тартибга тушиб қолишини ҳам, қайси асосга кўра тижорат бозори тарқатиб юборилганию, Вазирлар Маҳкамасининг яқингинадаги қарорига амал қилмасдан савдо қилаётган ошпазу сомсачилар нега тартибга чақирилмаётганини барибир тушуна олмадим. Халққа нисбатан айтилган гаплар эса менга ҳақорат бўлиб туюлди.

Бозорқўм милицияга солса, улар бозорқўмнию бугун умуман кўринмаётган солиқчиларни айбласа, санэпидстанциядан биронта одамни тополмасак нима ҳам қилардик. Индамасдан кетавериш қолди, холос.

Аммо, воқеанинг қизиғи ҳали бу ёқда экан. Менинг мақола ёзиш ниятимдан хабар топган бозорқўм қайтаётганимда бироз саросимага тушгандай бўлиб қолди.

— Келинг, шу гапларни достон қилиб юрмайлик... у ёғини...

— Ўзингиз айбсизман деяпсиз, аксинча, муаммонинг ечими топилишига тарафдор экансиз, мақола чиқса яхши эмасми?

— Шундайликка шундайку-я, лекин айб барибир бизнинг бўйнимизга тушади-да.

Бу гаплар бизни шубҳалантирди. «Молбозор»ни айланиб сотувчиларни гапга тутдик.

— Ҳа, бугун омадларингиз келибди-да, чипта нархидан ҳам қутулибсизлар?

— Қаерда қутуласиз, ҳамишагидек бир қўй учун 150 сўмдан йиғиб олишди.

— Тушунмадим, ташқарида-а?

— Ҳа-а, қувиб юриб олишяпти.

— Чиптангизни кўрсам бўладими?

— Чипта-миптани шу пайтгача бирон марта кўрмаганмиз. Ҳамиша пули йиғиб олинади, холос.

— Бозорқўм бугун умуман пул тушуми бўлмади деяпти-ю?

— Шундай дейди-да, энди.

— Балки бошқа биров...

— Йўғ-э, яхши таниймиз, ўғиллари, жиянлари йиғиб олишади доим.

... Демак, гап буёқда экан-да. Балки бозорқўмнинг бошқа сўзларию жонкуярликлари ҳам сохтадир ҳали. Милиция ходимлари-чи? Улар алдашмадимикин, ишқилиб? Ёки улар ҳаммаҳаммасидан бехабарми?

Нурбек ҲАКИМ ўғли,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ўзликни англаш

1998 йилнинг 26 июни Ўзбекистон тарихчилари учун унутилмас кун бўлди, десак муболаға бўлмас. Гап нима ҳақида кетаётганлигини ўзингиз ҳам дарҳол фаҳмлаган бўлсангиз керак — айнан шу куни давлатимиз раҳбари И. А. Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар билан самимий суҳбатлашиб, соҳанинг бугунги муаммолари, йўл қўйилган хатолар ва уни тузатиш йўллари, олдинда турган улкан юмушлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Вазирлар Маҳкамаси эса 27 июлда ЎзР ФА Тарих институтининг бу борадаги вазифаларини аниқлаб, унинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида махсус қарор қабул қилди. Бу икки воқеа, аввало, тарихчиларимизга ҳукумат миқёсидаги эътибордан дарак берса, иккинчидан, бу соҳа мутахассислари елкасига улкан масъулият ҳам юклади.

Шу кунларда эса халқимизга, келажак авлодга Ватанимизнинг ҳаққоний тарихини етказиб бериш йўлида имконият доирасидаги ишлар бошлаб юборилган. Қувонарлиси, ёш мутахассислар бу юмушнинг катта қисми ўз зиммаларига тушажагини теран ҳис қилмоқдалар. ЎзР ФА Раёсатида ёш тарихшунос тадқиқотчилар билан ўтказилган давра суҳбатининг ўзиёқ ана шундай фикр юритишимиз учун имкон беради. Биз бу ёш олимларнинг қуюнчак фикр-мулоҳазаларини тинглар эканмиз, келажакда ватандошларимиз қўлига етиб борадиган ҳаққоний тарихимиз муаллифлари ана шулар бўлишига ишондик. Бу ишонч эса давра суҳбатини қисқача бўлсада газетамиз саҳифасида ёритиш фикрини уйғотди. У билан танишгач, ўзингиз ҳам бизнинг адашмаганимизга ишонч ҳосил қиласиз, деган умиддамиз.

Ёш олимларимизнинг тарих фани олдида турган бугунги муаммолар ҳақидаги мулоҳазаларидан олдин ЎзР ФА Тарих институти директори ўринбосари, тарих фанлари доктори Дилором Алимова билан бўлган қисқача суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Дилором опа, давра суҳбатини эшитиб шу нарсага амин бўлдикки, бу олимлар фанга ўз соҳалари бўйича маълум даражада ҳисса қўшиб улгуришган. Аммо, шунга қарамасдан, олдиларидаги улкан вазифани ҳис қилиб турибсиз. Сиз улар билан бевосита ишлаётган раҳбар сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Тўғри айтдингиз, бизни ишонтириб турган нарса ҳам ёшларимиздаги ана шу тиришқоқлик. Дарвоқе, олдинда жуда катта довон, улкан вазифа турибди. Уни уддалаш учун эса фақат ва фақат жонкуярлик билан, сидқидилдан қилинадиган меҳнат керак. Айниқса, тарихимизга оид асл манбаларни топиш ва ўрганиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Бу жараёнда мен уларга бошқа олимларимиз қатори сабру бардош тилайман. Аммо, ёш олимларимизда яна бир нарсани, Шарқ ва Ғарб билимларининг синтезини кўришни хоҳлардим. Ҳали бизда Шарқ билимлари етишмайди назаримда. Бу ўринда ҳақиқий ватанпарварларимиз бўлган жадид олимлари ўрнак бўла олади. Улар асримиз бошларидаёқ шундай муаммоларни кўтаришганки, ўқиб кўриб бугун ҳам ҳайратга тушасан, киши.

— Ўзингиз гап очиб қолдингиз. Жадидчиларимиз кўтарган муаммолардан бири дарсликлар масаласи эди. Айни масалада бизда бир мунча хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Балки, бу шошмашошарликни маълум маънода тушунса бўлар. Бироқ, у албатта тузатилиши лозим. Шу маънода бугун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўша хатонинг асосий сабаби шу эдики, ўртада баъзи олимларимиз бирмунча нокамтарликка қўл урдилар. Масалан, КПСС тарихи бўйича мутахассис олим узоқ тарихимиз ҳақида дарслик ёзишга журъат қилиши мумкинми? Ахир, маълум соҳа ёки давр билан шуғулланган мутахассис бошқа даврни чуқур билмаслиги табиийку. Ҳақиқий олим бир томонни мустаҳкам ушлаб, унинг тагигача етиб боришга уриниши керак. Қанчаканча олимлар фақат битта манбани атрофлича ўрганиб, шунинг орқасидан машҳур бўлганлиги фанда маълум.

Ҳозир муаммони ечишда ана шу принципга таянилмоқда. Мактаблар учун ҳар бир синф дарслиги қайси даврни ўз ичига олганлигига қараб мутахассис танланган.

Энди савол туғилиши мумкин — олимларнинг ёзганини ўқувчилар тушуна оладими? Чунки, олимлар илмий тилдан қоча олмасликлари мумкин. Бунинг учун эса ҳар битта муаллифга услубиётчи

1

қўшиб берилган. Улар дарсликни ўқувчи савиясига, уларнинг қабул қилиш имкониятларига мослаштиради. Шундан кейин эса ўқитувчилар билан ўтказиладиган семинарда муҳокамага қўйилади.

— Мени тарихни ўқитиш жараёнидаги яна бир муаммо анчадан бери ўйлантиради. Кўпинча мактаб, ҳатто олий таълим даргоҳларида ҳам баҳолаш пайти ўқувчи ёки талабадан рақам ва фактлар сўралади. Оқибатда хотираси тез ёдлашга мойил талабага юқори баҳо қўйиладию, ўз фикрига эга, ўша рақам ва фактларни хотирасида муҳрлай олмаган бўлсада, унинг атрофида мулоҳаза юрита оладиган талабалар паст баҳоланади. Аммо, орадан бир-икки йил ўтиб, биринчи талаба хотирасидаги рақамлар унутилиши турган гап. Иккинчи тоифа талаба эса шу давр мобайнида эшитган бошқа гаплар, фикр-мулоҳазалар билан дастлабки қарашларини бойитиб боради. Кўриняптики, баҳолаш мезони адолатсиз бўлган. Бундан ташқари, тарихни билмасдан келажакни кўриб бўлмайди, дейилганда рақамларни ёдлаш назарда тутилмаган, ахир. Ўтмишдаги воқеа ҳақида фикр қилган одамгина келажак ҳақида тасаввур қила олиши мумкин. Демак, баҳолаш мезонида ҳам янгича қарашлар шакилланиши керакка ўхшайди.

— Кўнгилдаги гапни айтдингиз. Яқиндагина давлат имтиҳони топшираётган талабаларнинг жавобларини эшитиб, ўйланиб

2

қолдим. Билет саволига жавоб бераётган йигит-қизлар шунақа фактлар келтиришаяпти, шунақа рақамларни, йилларни тиқиштириб ташлашяпти, тўғриси, уларнинг кўпи менинг ҳам эсимда йўқ. Фалон уруш қачон бўлган, нечта аскар қатнашган, нечтаси ҳалок бўлган ва ҳоказо. Аммо, бир оғиз, нега шунақа бўлган, деган савол ташласангиз сайраётган «булбул» таққа тўхтайди-қолади. Демак, ўқитувчи болага нимани билиш кераклигини ўргатмаган. Уларга тўғри йўналиш бера олмаган. Бизнинг совет даврида орттирган энг ёмон нарсамиз ҳам кўр-кўрона ёдлашга ўрганиб қолганимиз, фикрлашдан узоқлашганимиз бўлса ажаб эмас. Албатта, бундан имкон қадар тезроқ қочишимиз лозим. Бунинг учун эса ўқитувчилар билан семинарлар ўтказиб туриш, ўқувчини фикрлашга ўргатиш масаласини бош мақсад даражасига кўтариш керак бўлади. Яъни, тарихни ўқитиш методологиясини олим ва педагоглар ҳамкорлигида янгитдан ишлаб чиқиш вақти аллақачон етилди.

— Дилором опа, суҳбатимиз кутилмаганда чўзилиб кетди. Шунинг ўзиёқ, бу соҳада ҳали муаммо етарли эканлигидан дарак беради. Аммо, имконият доирасидан ҳам узоққа чиқиб бўлмайди. Сўнгги саволга ўта қолайлик. Биласиз, қози деганда кўз олдимизда адолат рамзи гавдаланади. Тарихчи деганда эса хаёлимизга кўпроқ машаққатли меҳнат, ижодкорлик келади. Бироқ, бугун луғат бойлигимизда «Тарихчи ҳақгўй бўлиши керак» деган гап ҳам бўй кўрсата бошлади...

— Тарихчи халққа ўтмиш ҳақиқатини етказиши керак. Тўғри, бу жараёнда унинг шахсий муносабати ҳам акс этмасдан иложи йўқ. Бироқ, бунда виждон бош ҳакамлигича қолмас экан, адолат мезонларининг бузилиши

3

турган гап. Кечаги кун бунинг ёрқин мисоли. Ахир халқ алданди-ку. Ҳатто аждодларга тош отадиган даражагача ҳам олиб борилди. Яхшиямки, мустақиллик кўзимизни очди. «Тарихчи ҳақгўй бўлиши керак», деган гапнинг қалқиб чиққанлигини эса кечаги хатоларнинг такрорланмаслиги йўлидаги эҳтиёткорлик, сергаклик деб биламан. Бунга қўшимча қилиб яна бир нарсани айтмоқчиманки, тарихчи олимдан албатта ҳақиқий ватанпарварлик талаб қилинади. Шу туйғу билан суғорилган олимгина ўз Ватанининг ҳақиқий тарихини ёза олиши мумкин.

— Раҳмат. Демак, энди навбатни ёш олимларимизга берамиз.

Элёр КАРИМОВ, тарих фанлари номзоди:

—Тарихга кириб бораётган бугунги ҳар бир кун ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ўнлаб йилларга тенгдир. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда кундан-кун бутун аср мобайнида тўпланиб, ўз ечимини кутиб ётган кўпгина муаммолар ҳал қилинмоқда, айрим жабҳаларда юзага келган мураккаб вазиятни ижобий йўналишга буриш ва ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Тарих фани соҳаси тўпланган масалаларни ҳал қилиш ҳамда халқнинг қалби ва хотираси бўлмиш бу қадим фаннинг нуфузини кўтариш, масъулиятини ва вазифасини аниқ белгилаб олиш борасида эса Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган махсус қарор катта аҳамият касб этади.

Давр талаби билан келиб чиққан бу қарор ўтмишга, тарихий тадқиқотларимизга янгитдан, синчков кўз билан қарашга ундайди.

Тарихчилар олдига қўйилган вазифалардан бири эса миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишдир. Давлатнинг таркиб топиши ўша ҳудудда яшаган халқнинг ривожланиш даражасидан далолат беради. Марказий Осиёда қадимдан мавжуд бўлган давлатлар тарихий тараққиёт давомида бир-бирининг ўрнини эгаллаб бораверган. Шунингдек, давлатчилик анъаналари бир давлатдан иккинчисига ўтган ва ривожлантириб борилган. Масалан, Қушонлар ўрнида Эфталитлар, Сомонийлар ўрнида Қорахонийлар пайдо бўлиши ёки Темурийлар давлати ўрнида юзага келган Шайбонийлар давлатидан кейинчалик Бухоро амирлиги ва Хива, Қўқон хонликларининг таркиб топиши ҳамда ривожланишини олайлик. Бу давлатларни ўрганиш борасида олимлар анчагина тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Лекин, шунга қарамасдан, янги талаблар нуқтаи назаридан бу масалаларни янада чуқурроқ ўрганишимиз лозим. Хусусан, Қўқон ва Хива хонликлари ташкил топиши масаласининг ўзи алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Бу давлатлар тарихи синчковлик билан ўрганилгандагина бу ҳудудда шаклланган давлатчилик анъаналари ҳамда унинг ривожига доир айрим қонуниятлар ва ҳолатларни аниқлаш имкони пайдо бўлади.

Марказий Осиё давлатларининг қўшни мамлакатлар билан муносабатлари масаласи ҳам қайтадан, давлатчилик нуқтаи назаридан, холисона кўриб чиқилиши лозим. Фактларга ва яна фактларга асосланган ҳолда бу даврдаги ўзбек хонликларининг халқаро аҳволи, улар олдида пайдо бўлган ташқи муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши тарихи ҳам илмий ҳамда мантиқий изчиллик билан қайтадан ўрганилиши зарур.

Ёки ўзбек хонликларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихини олайлик. Сиёсий ҳаётга ҳамоҳанг тарзда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга ҳам нотекис ривожланиш хослигини кўрсатган ҳолда бу жабҳаларда учала ўзбек хонликларига хос умумий тараққиёт йўли ва айрим хусусий ҳолатлар мавжудлигини кўрсатиш

4

керак. Бир сўз билан айтганда, биргина ўрта аср давлатчилиги ва жамияти тараққиёти назарий масалаларининг ўзи атрофлича таҳлилга асосланган тадқиқни кутиб ётибди.

Гулчеҳра АЪЗАМОВА, тарих фанлари номзоди:

—Вазирлар Маҳкамасининг қарорида тарих соҳасидаги тадқиқотларнинг доимо бирламчи манбаларга асосланиши энг муҳим талаблардан бири этиб белгиланган. Дарҳақиқат, манбасиз тарихий тадқиқотнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Тадқиқотчи эса манбалардан олинган фактлар доирасида ҳар бир сўзи учун жавобгардир. Шу боисдан манбага, хоҳ у шу давр муаррихининг қўлёзма асари бўлсин, хоҳ бетакрор насрий ва шеърий асарлар бўлсин, хоҳ Марказий Осиёга келган сайёҳлару элчилар, бу ерга тақдир тақозоси билан келиб ўрнашиб қолган ўзга юрт кишиларининг ёдномалари бўлсин, хоҳ ҳужжатли ёки архив материаллари бўлсин, ёки манбалар даражасига кўтарилган айрим ўтган аср шарқшунос олимларининг илмий асарлари бўлсин, ҳар томонлама синчковлик ва танқидий кўз билан қараш, улардан олинадиган фактларга ҳаққонийлик нуқтаи назаридан танқидий ёндошмоқ даркор. Бу эса манбаларни чуқурроқ, атрофлича ўрганишимизни талаб этади. Демак, манбаларни ўрганиш ва таҳлил этишга муносабатни ўзгартирмоқ зарур. Биламизки, Совет даврида сиёсий сабабларга кўра манбалар сараланиб ишлатилиб келинди. Уларнинг кўплари эса умуман ўрганилмаган ҳам. Фактлардан соддалаштирилиб ёки бирор мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиб келинган.

Бугунги кун эса бу тарихий даврга холисона ёндошишни, мустақил давлат тарихини ҳаққоний ёритишни тақозо этади. Фикримизча, манбаларни нашр этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор лозим. Шарқшунос олимларимиз томонидан ҳозиргача ўрта асрларда араб, форс, туркий тилларда битилган тарих, жуғрофия, фалсафа, ислом, айрим шахслар ва сулолалар тарихига бағишланган кўплаб асарлар таржима қилинган ва илмий тавсифланганки, бу манбаларни тезроқ нашр этиш, илмий истеъмолга киритиш керак.

Динора ҲОШИМОВА, тарих фанлари номзоди:

—Мустақилликка эришган халқимиз бугун ўзига: «бу ёруғ дунёда биз кимиз?» дея савол бераётир. Халқ ўзлигини англаётган, ўзининг этник илдизларини аниқлашга интилаётган бундай даврда ўзбек халқининг этногенези муаммоларини ўрганишнинг кун тартибига қўйилиши нафақат илмий, балки сиёсий-ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биласизки, этногенез муайян бир ҳудудда мавжуд бўлган этнослар, яъни уруғлар, қабилалар, элатлар асосида янги бир этник бирликнинг пайдо бўлиши, халқнинг шаклланиши жараёнидир. Этник тарих эса этнос пайдо бўлганидан бошлаб, то у шаклланиб етгунгача бўлган жараённи ва ундан кейинги тарихий тараққиёт жараёнини ўз ичига олади.

Этногенетика, яъни элшунослик фани олдида турган муаммоларга тўхталганда дастлаб шуни айтиш керакки, этногенез масалалари бўйича нафақат тарихчилар, этнографлар, балки улар билан биргаликда археологлар, антропологлар, тилшунослар ҳам ҳар томонлама, комплекс равишда тадқиқот олиб боришлари зарур. Бу фанлар соҳасида қабул қилинган услублар асосида эришилган натижалар бир-бирига мувофиқ бўлган тақдирдагина этногенетика муаммолари ҳақида тўғри

Айни кунларда Хоразм воҳаси далаларида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Воҳа далаларида пахта ҳосили мўл. Вилоят пахтакорлари бу йил ҳам республикада карвонбошилик қилмоқда. Бу ерда кунига 3 фоиздан ортиқ пахта терилиб, давлатга топширилмоқда.

Жорий йилда Боғот туманидаги ёпиқ турдаги «Боғот» ҳиссадорлик жамоаси пахта ва шолидан мўл ҳосил етиштирди. Жамоа деҳқонлари 3.300 тонна пахта, 3.200 тонна шоли ҳосили йиғиштириб олиш учун ғайрат қилишмоқда. Шунингдек, тиниб-тинчимас боғотликлар қанд лавлаги ҳосилини ҳам ўз вақтида йиғиштириб олди.

Суратларда: 1. Бригада бошлиғи Шоназар Матёқубов ва жамоа раиси Машариф Қувоқов қанд лавлаги ҳосилидан мамнун.

2. Қанд лавлаги ҳосилини йиғиб олиш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Қочқинлар ватанига қайтишмоқда

«Кабар» ахборот агентлиги мухбирининг хабар беришича, тожикистонлик қочқинлар ўз ватанига қайтиб кетмоқда. Шу йилнинг ўзида мингдан ортиқ Тожикистон фуқароси Қирғизистонни тарк этган.

БМТ қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлиги вакили Ҳелмут Бусснинг маълум қилишича, айни пайтда Қирғизистонда 15 мингга яқин тожикистонлик қочқин бор. Улардан икки минг нафари Қирғизистон фуқаролигини қабул қилган.

Товар айирбошлаш ўсмоқда

Қозоғистон билан ГФР ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ортиб бораётир. «КазААГ» ахборот агентлигининг маълум қилишича, биринчи ярим йилликда Германиянинг Қозоғистонга экспорти 35,3 фоиз ўсган. Шу даврда Қозоғистондан ГФРга жўнатилган товарлар эса, ўтган йил билан таққослаганда 72,7 фоиз ортган. Икки мамлакат ўртасидаги ялпи товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиш кўрсаткичи 51,2 фоизни ташкил қилган.

(ЎзА)



Қадимий Рим

Ижро барчага баробар

Маълумки, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бозор иқтисодиёти тамойилларининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шунингдек, келажаги буюк, ҳуқуқий, демократик давлат барпо этилаётган юртимизда соғлом авлодни шакллантириш ҳам олдимиздаги муҳим вазифалардан саналади. Пойтахтнинг Сирғали тумани ҳокимлиги назорат инспекцияси ходимларининг кўпроқ ана шу мавзуларга эътиборни қаратишётгани ҳам шундан.

Йил мобайнида Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини текширишга алоҳида аҳамият бериляпти. Шу мақсадда ўтказилган олти нафар комплекс текширувлар маҳаллаларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида йўл қўйилган кўпгина камчиликларни аниқлашга имкон берди. Албатта, ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органлар қарорлар ижросини ижобий ҳал қилишга интилишгани кўзга ташланади. Аммо, барча маҳаллаларда ҳам аҳвол шундай эмас. Жумладан, оила аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган даромад миқдорини аниқ ҳисобламаслик, мактабни битирган ёшларни иш билан таъминлашга эътиборсизлик ҳамда кўп даромадли оилаларга нафақа расмийлаштириш каби нуқсонларни бартараф этишга тўғри келди.

«Оқибат» маҳалласида 31 оилага 124 минг 970 сўм нафақа нотўғри белгиланган. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Турсуновлар оиласида балоғат ёшидаги 3 кишининг ҳеч қаерда ишламаслигига қарамай, 4 минг 500 сўм нафақа тўланган. «Йўлдош» маҳалласида 12 болали оилага 43 минг 345 сўм, «Янгиҳаёт» маҳалласидаги 7 болали оилага 18 минг нафақа пули нотўғри берилган. Текширишлардан маълум бўлишича, маҳаллаларда жами 204 минг 175 сўм нафақа пули нотўғри белгиланган экан. Бу камчиликлар маҳалла раислари умумий йиғилишида муҳокама қилинди, чора-тадбирлар белгиланди ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Туман ҳокимлиги фармойиши билан бир маҳалла котиби лавозимидан четлатилди. 5 та маҳалла оқсоқоллари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ижтимоий ҳимоя

Ноғ ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва савдо қилувчи корхоналарда ҳам юқори ташкилот қарорларининг ижроси текширувдан ўтказилганда 17 савдо шаҳобчасида санитария талаблари бузилгани, 16 ҳолатда савдо қоидаларига риоя қилинмаётганлиги аниқланди. 3- нон ишлаб чиқариш кичик хусусий корхонаси шу кун талабларига жавоб бермаганлиги важидан вақтинча ёпиб қўйилди. 10 нафар мансабдор шахс маъмурий ва молиявий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлардан бирининг ҳужжатлари прокуратурага оширилди. Ундирилган жарималар эса 18 минг 560 сўмни ташкил қилди. 4 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот мусодара этилди.

Мактабгача тарбия муассасаларида ҳам тартиб-интизом талаблар даражасида эмаслиги аниқланди. 20 га яқин болалар боғчаларида бўлганимизда кўпгина хатолик ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли 15- ва 56-боғчаларда болаларга етарли шароит яратилмаган. Боғчалар эски, бир қаватли мослаштирилган биноларга жойлашган, санитария ҳолати талабга жавоб бермайди. Айниқса, канализациянинг йўқлигига тоқат қилиб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ёмон аҳволда. Гўшт, сариёғ, сут, қаймоқ, сметана ярим йилдан бери келтирилмаганига ақл бовар қилмайди. Бу борада акциядорлик компанияси раиси Н. Эрматов номига камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар юборилди. Олинган жавоб хатида таъкидланишича бу масала компания раҳбариятида кўриб чиқилиб, камчиликни тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари белгиланган. Дарвоқе, боғчаларда таъмирлаш ишлари бошланди. Аммо, озиқ-овқат маҳсулотлари, сут, қаймоқ, сметана билан таъминлашда ўзгаришлар бўлмаяпти.

Туман халқ таълими бўлимига қарашли боғчаларда эса 3598 сўмлик камомад, 2612 сўмлик ҳисобга олинмаган маҳсулот борлиги маълум бўлди. Бу масала юзасидан чоралар кўрилди. Таъмир талаб совутгичларни созлаш учун маблағ ажратилди. 15 та боғча томларини таъмирлаш учун 6 миллион сўмлик маблағ белгиланди. Айни пайтда 9 та боғча мудираси, 21 та боғча ходими маъмурий жавобгарликка тортилиб, 11 нафар ходимга турли миқдорда жарима солинди. Аниқланган ва қайтарилган камомад, ҳисобга олинмаган моддий бойлик, ундирилган жарималар жами 10 минг 120 сўмдан ошиб кетди.

Туманда барқарор ривожланиш, соғлом авлодни тарбиялашни шакллантириш юзасидан «Президент Фармонлари, имтиёзлар ва имкониятлар» мавзусида икки марта семинар кенгаш уюштирилди. Мақсад Сирғали аҳолисини дунёвий тараққиёт нафасидан баҳраманд этиш, мустақилликнинг аҳамиятини тушунтириш, муҳими ватанпарварлик туйғусини қалбларга жо қилишдан иборат.

Шавкат БОБОЖОНОВ.

Аёлнинг ўз ўрни бор

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан оила йилига бағишлаб «Партия ва аёл» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди. Унда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари аъзолари, партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Конференцияда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Ботиров «Ўзбекистон ХДП дастурий ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда хотин-қизларнинг ўрни» хусусида маъруза қилди. Нотиқ вилоят кенгашига уюшган 18 минг аъзонинг 4 мингдан ортиғи хотин-қизлар экани, уларнинг жамиятда, вилоят ишлаб чиқаришидаги муносиб кўмаги борасида алоҳида тўхталди. Айниқса, партиядош аёлларнинг жойлардаги ташаббускорлиги, оиладаги ўрни, соғлом авлод тарбиясидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

ХДП ахбороти

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан вилоят «Соғлом авлод учун» жамияти раисаси Р. Тулятова, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти ҳуқуқшуноси М. Фозилова аёлларнинг халқ ҳамда ватан тақдирига масъуллигини, оиланинг мустаҳкам таянчи эканини алоҳида қайд этишди.

Илмий-амалий анжуманда вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисаси Л. Юрикова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Муззаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

тарихни билишдан бошланади

хулоса чиқариш мумкин. Масалага бундай ёндошиш этногенетиканинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида таъкидланганидек, ҳеч бир халқ фақат биргина этнос асосида шаклланмайди. У минг йилликлар давомида турли-туман уруғлару қабилалар, элатларнинг ўзаро аралашуви, ўзаро таъсири ва бир-бирига сингиб бориши натижасида вужудга

лик, чорвачилик билан шуғулланганлар. Бу соҳадаги тадқиқотларни чуқурлаштириш, янги манбаларни, айниқса, археологик топилмаларни жалб этиш этник илдизларимиз ҳақидаги билимларимизни янада бойитар эди.

Этногенетика муаммоларини ҳал қилишда археологик топилмалар ниҳоятда қимматбаҳо далил бўлиб хизмат қилади. Улардан фойдаланмаслик эса бир ёқлама хулосаларга ва қўпол хатоликларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга этногенез муаммоларини ҳал қилишда антропологик тад-

ўзини англашда ўсиш даври бўлди. Шу боис, тарихан қисқа бўлишига қарамасдан, етти йиллик мустақил тараққиёт йўли чуқур таҳлилни, ютуқлару муаммоларни ҳам кенг кўламда ўрганишни ва тўпланган тажрибани умумлаштиришни тақозо этади.

Менимча, бу йўналишдаги тадқиқотларни олиб боришда асосий эътибор истиқлолимиз тарихига оид манбалар ҳамда маълумотларни жамлашга, миллий давлат қурилиши, халқимизнинг маданий ва тарихий мероси асосида миллий давлат мафкурасини яратиш жараёнларини ўрганишга қаратилмоғи лозим.

эътиборни қаратмоқчи эдим. Масалан, Бухоро ва Хоразм халқ республикалари даври (1920-24 йиллар)ни олайлик. Маълумки, жадидлар Бухоро ва Хивадаги Ўрта асрларга хос бўлган амирлик ва хонлик тузумини ағдариб ташлаб, бу ерда демократик жамият ўрнатмоқчи эдилар. Собиқ монархия давлатлари ёш бухоролик ва ёш хивалик жадид арбобларининг қатъий ҳаракатлари натижасида, демократик ўзгаришлар жорий қилинаётган, жамиятни эркин тараққиёт сари олиб борувчи ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатга айлана бошлаган эди. Афсуски, большевиклар

ган...

Шундай қилиб, асримиз биринчи чорагининг охирида Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг тугатилиши билан ўзбек миллий давлатчилиги тарихидаги катта бир босқичга якун ясалди. Қизил мустамлакачилар бу республикаларни тугатиш билан вақтинчалик бўлса ҳам кўп минг йиллик тарихимиздаги миллий давлатчилик халқасининг бўғинларини парчалашга муваффақ бўлдилар. Не бахтки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, миллий давлатчилик тарихининг мутлақо янги босқичи бошланди.

Бу фикрлар яқин тарихимизга алоқадор мулоҳазалар. Туркий халқларнинг теран тарихига, олис мозийдаги асрлар қаърига кўз ташлайдиган бўлсак, қадимги Сўғдиёна давлати тарихи, турк ҳоқонликлари даври, Олтин Ўрда давлати (Хоразм унинг таркибида бўлган), шайбонийлар сулоласи ёхуд Жанубий ва Шарқий Туркистондаги давлатчилик тарихимиз ҳам етарли даражада тадқиқ қилинмаганининг гувоҳи бўламиз. XX асрдаги муҳожирлик тарихи ҳали мутлақо қўл урилмаган мавзу бўлиб турибди. Зардўштийлик динининг илк ватани бўлган Ўзбекистонда муқаддас «Авесто» китоби ҳанузгача нашр қилинмагани эса кечирилмас ҳолдир...

Шу маънода «Ўзбекистон тарихи» илмий журнали ва академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг ташкил қилиниши ажойиб воқеа бўлди. Хусусан, тарихчилар учун махсус журнал чиқаришни доимий йўлга қўйиш тарихимиздаги кўп муаммоларнинг ечимини топишда асқотади. Масалан мен журнал саҳифаларида юртимиз кечмиши ўзининг холис талқинини топади, деган умиддаман. Ҳа, биз «Ўзбекистон тарихи» журналидан кўп нарса кутишга ҳақлимиз. Зероки, ўтмиши минг йилликлар билан ўлчанган халқимиз пешонасига махсус тарих журнали янги XXI аср бўсағасидагина илк бор насиб қилган экан, бу журнал полопонлигидаёқ бургутдек шижоат билан самони кўзлаб парвоз қилиши лозим бўлади.

Доно ЗИЁЕВА, тарих фанлари номзоди:

— Бугун бизнинг олдимизга ҳаққоний тарихимизни яратиш, уни чуқур англаб етиш, халққа етказишдек муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйилди. Бунда энг аввало миллий давлатчилигимиз тарихи, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини илмий асосда ёритишга алоҳида эътибор беришимиз талаб қилинмоқда. Хўш, миллий давлатчилигимиз тарихига бу қадар эътибор нима билан изоҳланади? Гап шундаки, бизнинг бутун тараққиётимиз миллий давлатчилик билан боғлиқдир. Миллий давлатчилик — бу мустақиллик демак. Президентимиз таъкидлаганидек «Халқни халқ, миллатни миллат қиладиган эса мустақилликдир». Дарҳақиқат, агар ўтмишга назар ташласак, мамлакатимизда миллий давлатчилик ривожланиб мустаҳкамланган даврларда юртимиз обод бўлиб гуллаб-яшнаган, маънавият, илм-фан, маданият юксалиб борган, халқ турмуши эса фаровонлашган. Миллий давлатчилик сусайиб парчаланган, марказлашган, кучли ва одил ҳокимият ҳамда ўзаро бирлик бўлмаган даврларда эса йўқотишлар-у, турғунликка дучор бўлинган. Ватанимиз ташқи душманлар томонидан мустамлакага айлантирилган, миллий давлатчиликка йўл берилмаган даврларда бўлса халқимиз бошига кулфатлар, жабру жафо, хўрлик ёғилган, моддий бойликлари таланиб, маънавий-маданий мероси, миллий, инсоний ҳуқуқлари топталган, инқирозга юз тутган.

Давра суҳбати

Кўринадики, мустақил ҳамда кучли миллий давлатчиликкина Ватанимиз тараққиётини таъминлаб туради, уни юксалтириб, жаҳонга танитади.

Айни шу сабабдан ҳам биз аввало миллий давлатчилигимиз тарихини, унинг пайдо бўлишидан тортиб, то ривожланиш босқичлари, юксалишу инқирози, бунинг сабаб ва оқибатлари, халқимиз ҳаётига, турмуш ва тараққиётига таъсиригача аниқ тарихий фактлар мисолида ёритиб беришимиз, юртбошимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини» илмий асосда, бугунги кунимиз мисолида, ўтмишимиз тажрибасида кўрсатиб беришимиз лозим.

Тарихимизнинг ҳаққоний, илмий асосланган талқинини яратиш учун биз энг аввало илмий ҳаққонийлик ва холисликка, кенг ва чуқур мушоҳадага асосланишимиз, тарихий воқеалар ва жараёнларни баҳолашда уларга умуммиллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, умуминсоний қадриятлар, умумжаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан ва, албатта, тарихийлик нуқтаи назаридан ёндошмоғимиз лозим.

Биз ўз тадқиқотларимизда нафақат маҳаллий манбалар, балки Шарқ ва Ғарб манбаларидан ҳам беистисно фойдаланишимиз, уларни қиёсий, нисбий солиштириб илмий асосда таҳлил этишимиз, қачон, ким томонидан, қандай вазиятда, қаерда, қандай мақсадда ва қайси маълумотлар асосида яратилганини аниқлаб, холислик, ҳаққонийлик даражасини, илмий қимматини баҳолай олишимиз зарур.

Шунингдек, бизга қадар тарихимизнинг у ёки бу муаммоси хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалар, турлича қарашлар билан танишиб, улар-

нинг қанчалик асосли ёки асоссиз эканлигини баҳолаб олишимиз даркор. Тарихимизнинг нафақат Ватан тарихшунослигидаги, балки жаҳон тарихшунослигидаги талқини билан ҳам танишиб чиқишимиз, хорижий тадқиқотчилар қарашларининг илмий қимматини холисона баҳолай олишимиз керак. Бу бизни аввало ўз қобиғимизда, чекланган доирада биқиқ фикрлашдан халос этиб, жаҳон миқёсида фикр алмашишга ҳамда илмий баҳсларга ундаса, иккинчи томондан ҳаққоний тарихимизни жаҳон тарихшунослигида тиклашни таъминлаб беради. Президентимиз айтмоқчи, бизга «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина тўғри йўл кўрсатади».

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, бундай масъулиятли вазифаларни бажара олиш учун замонавий тарихчиларнинг сиёсий онги юксак, дунёқараши кенг бўлиши керак. Реал фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, собиқ мустабид тузумнинг мафкуравий сарқитларидан халос бўлиш, илмий ҳаққонийлик ва холисликка амал қилиш, масалага тарихийлик нуқтаи назаридан ёндоша билиш ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Тарихимизни ортиқча бўёқларсиз, эҳтиросларсиз, вазминлик ила чуқур ва атрофлича мушоҳада қилиб, аниқ фактлар билан, илмий асосда ҳаққоний баҳолай олишимиз эса ундан тўғри сабоқ чиқариш имконини беради. Шундагина тарих фанининг илмий хулосалари юртбошимиз кўрсатганидек «давлатга, халққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши» мумкин.

Суҳбатдош ҳамда давра суҳбатини ёзиб олувчи «Ўзбекистон овози» мухбири Нурбек ТОШНИЁЗ

5 6 7 8

Вальтер де Оливейра:

«Офаринлар айтаман!»

— Жаноб Оливейра, сизда собиқ Иттифоқ давлатларида қишлоқ хўжалигида хусусийлаштиришнинг бориши тўғрисида таққослаш имконияти бор. Қишлоқ хўжалиги ҳақида бош қотирган юқори даражадаги раҳбарнинг, раиснинг ва ниҳоят бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи деҳқон-фермернинг муаммолари билан танишсиз, деб ўйлайман...



— Юқоридан режа асосида белгиланадиган, одамлар кўрсатма билан ишлашга кўниккан жамиятдан, шахсий ташаббус, қонун доирасидаги эркин ҳаракат устун қўйиладиган бозор иқтисодига ўтиш бирданига амалга ошадиган иш эмас. Бунинг учун кўп йиллар керак. Ана шу муҳим нарса эътиборга олинмаган тақдирда барча уринишлар афсуски ўз натижасини бермайди.

Украинанинг Бровари вилоятидаги Гоголевский номли колхозда хусусийлаштириш жараёнини кузатган эдим. Колхозда етиштирилган картошканинг 40 фоизигина истеъмолчига етиб боради, дейишди бизга. Қолган қисмининг йўқолиш сабабларини ўрганишни илтимос қилишди. Маълум бўлишича, ўша 60 фоиз дўконга етгунча омборда чириб, айниб йўқ бўлган. Колхоз ҳам, омбор ҳам, дўкон ҳам давлатники. Шу шароитда бирон нарсага эришиш қийин. Аммо, хусусийлаштирилгач, дўконнинг ишлари юришиб кетди. Дўкон эгаси бевосита маҳсулот етиштирувчилар билан шартнома тузиб, дўконни сифатли моллар билан тўлдиришга ҳаракат қилди. Омбор эгаси сабзавотнинг зарари бўйнига тушиб қолмаслиги учун омборда маҳсулот сақлаш учун шароит яратишга яхшигина маблағ сарфлаши лозимлигини англаб етди. Ҳамма қийинчилик колхозда бўлди. Биз ўтиш давридаги энг мақбул усул — ширкатларга бўлиниб, банкдан алоҳида ҳисоб рақами очиб ишлашни таклиф этдик. Аммо қийин шароитда давлат томонидан қўллаб-қувватланмагани туфайли ҳеч қандай

Вальтер де Оливейра — Италиянинг Подова университети доктори, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўйича мутахассис, ТАСИС дастурининг Ўзбекистондаги ТЕФАП (қишлоқ хўжалик кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш) лойиҳаси раҳбари. МДҲнинг бир нечтасида бўлиб, хусусийлаштириш жараёнларини кузатган ва лойиҳалари билан унга ўз таъсирини кўрсатган олим.

Ўзбекистон ва жаҳон

самара бўлмади. Техникалардан ўзаро ижара асосида фойдаланаётган тўртта ширкат ҳам бироз вақтдан кейин ўзаро келишолмай, техникаларни ҳам бўлишиб олди.

Арманистоннинг Спитак шаҳри яқинидаги битта колхозга Италия ҳукумати 15 миллион доллар миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди. Махсус қарор билан бу колхозда хусусийлаштиришни тажриба қилиб кўрадиган бўлишди. Деярли вайрон ҳолдаги колхоз янгидан қад кўтарди. Биз суғориш иншоотлари, маъмурий бинолар, сутни қайта ишлаш цехи қуриб бердик. Кейин раҳбарлар келиб кўришди-да... ўҳ-ҳў зўр намунавий колхоз бўладиган бўлибди, хусусийлаштирмаймиз, дейишди...

Россиядаги «шокотерапия», бозор иқтисодига қўққисдан ўтиш қандай натижа бергани изоҳлаш учун ҳатто иқтисодчи бўлиш шарт эмас. Бирданига кўплаб чет эл сармояларини жалб этиш, аҳолини ҳар қадамини пул билан ҳисоблашадиган жамиятга бирданига ўтказиб, ўз ҳолига ташлаб қўйиш, фуқароларнинг ҳам, мутахассисларнинг ҳам янги жамиятга тайёр эмаслиги — ўша мамлакатдаги иқтисодий инқирознинг асл сабаблари.

Бу мисолларни бежиз келтираётганим йўқ. Ўзбекистонда бош ислоҳотчи давлат бўлаётгани, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётгани , хусусийлаштириш учун давлат томонидан энг қулай шароитлар яратилаётгани баробарида таълим тизими такомиллаштирилиб, барча соҳаларда бозор талабларига мос кадрлар тайёрлашга аҳамият берилаётганини таъкидламоқчиман, холос. Биргина ТЕФАП лойиҳаси бўйича юзлаб мутахассислар қайта тайёрланди ва тайёрланяпти.Лойиҳанинг дастлабки босқичида олий ўқув юртлари ва коллежларнинг профессор ва ўқитувчилари қишлоқ хўжалик менежментидан сабоқ олган бўлсалар, кейинги босқичда улар ўз билимларини студентлар, фермерларга беришади. Республикада 4 жойда ташкил этилган минтақавий семинар базалари доимий фаолият кўрсатади. Базаларда ўқитиш ва қайта тайёрлашдан ташқари фермерлар учун керакли ахборотлар йиғиш ва ўрганиш ҳам йўлга қўйилади. Албатта, меҳнатимиз эртагаёқ самара беради, дейишдан йироқман. Аммо, 10-15 йилдан кейин бугун бераётган билимларимизнинг амалда қўлланилаётганининг гувоҳи бўламиз, албатта.

Президентларингиз жаноб Ислом Каримов иқтисод соҳасида худди олдиндан кўра оладиган башоратчига ўхшайди. Агар у билан учрашиб қолсам, энг аввало оддий бир иқтисодчи сифатида уни ютуқлари билан чин дилдан табриклаган ва офаринлар айтган бўлардим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди

Анвар Иброҳимга ачинмоқдалар

Халқаро жамоатчилик вакиллари ҳибсга олинган Малайзия Бош вазири ўринбосари Анвар Иброҳим тақдирига ачиниш билан қарамоқдалар. БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳам Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммадга йўллаган мактубида Анвар Иброҳимни қўллаб-қувватлаб, бундан буён унга нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлинмайди, деб умид билдирди. Анварнинг шахсий дўсти, умумжаҳон банки президенти Жеймс Вольфенсон, АҚШ молия вазири Роберт Рубин баёнот беришдики, Анвар Иброҳим халқаро молия жамиятининг чуқур ҳурматга сазовор бўлган аъзоларидан биридир. Унинг Малайзия судида юзлари кўкарган ҳолда пайдо бўлиши бизни чуқур ташвишга солди, дейишди улар.



Копенгаген шаҳри кўриниши

Афсунгарнинг афсуси

Ғарбий Африка мамлакатидаги армия полковниги Кот-д' Ивуар Паскал Гва афсунгарликка муккасидан кетганди. Абонессо шаҳрида яшовчи (унинг аммасининг ўғли) Андре — афсунгарликка зўр бериб одамларни ўқ ўтмас дуо билан сеҳрлаб, «Афсонавий белбоғ» боғлаши ва энди ҳеч қандай хавф-хатар унга қутғу сололмаслигига ишонтирди. Полковник сеҳрни дарҳол ўзининг 20 яшар ўғлида синамоқчи бўлди. Шахсий ўқ отар қуролидан нишонга олишига буйруқ берди. Бола ноилож (ҳарбий қоидага кўра) ота — полковникка ўқ узди. Гва ўша заҳоти тил тортмай ер тишлади.

Мажбурий қотил дарҳол беркинишга мажбур бўлди. Афсунгар бўлса қамоққа олинди. Полковникнинг беваси олти нафар етим боласи билан бўзлаб қолди.

Афсунгар афсус чекяпти,
афсус кеч.

Аёлга айланган эркак

Англия армиясидаги бу ақл бовар қилмас ҳодиса наинки эшитган-билганларни, ҳатто ҳарбийларни ҳам анча саросимага солиб қўйди. Энди 17 ёшга кирган катта сержант Жо Рашитон тўсатдан аёлга айланишга аҳд қилди. Чунки Жонинг танасидаги ортиқча безлар борган сари катталаша борди. Ҳамда бундан шўрлик йигит ўзини хотин сифат кўринишга кириб қолаётгандай ҳис этарди. Бу сержантнинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилди.

Жарроҳлик йўли билан ўз-ўзини аёлга айлантирди-қўйди.

Шунда муаммо пайдо бўлди: ҳарбийлар сафида қоладими-йўқми? Тезда Мудофаа вазирлигидан жавоб келди. Жо, тўғрироғи Жоанна сафдошлари сафида армияда қолади. Фақат катта сержант эмас, алоқачи бўлиб. Ахир катта сержантлик эркак — Жога берилган эди-да.

Пирамидалар мўъжизаси

Миср эҳромлари — пирамидалар ичида мўъжизавий муҳит борлиги хусусидаги фикрлар аллақачон исботланган. Пирамида «муҳити»га тушган озиқ-овқат ҳеч қачон бузилмайди, фақат намлигини йўқотиши мумкин. Кофе, чой, сигарет, пиво маҳсулотларининг таъми лаззатли, ёқимли бўлиб қолади. Паст навли маҳсулотлар биринчи навга ўтиб қолади. Пирамидада турган сув бактериялар билан заҳарланмайди, аксинча турган сайин тозариб боради. Сут эса тўрт ҳафтагача бузилмайди, ҳозир соғилгандай туравeради. Пирамида мўъжизаси металларга ҳам ижобий ишлов беради. Бронза ва мисдан ясалган ҳайкаллар, тангалар пирамидада бир ҳафта турса яна худди биринчи ясалган кунгидай ялтираб, нур соча бошлайди.

Демак, пирамида ичига кирган нарсалар вақтни писанд қилмайди, унинг мўъжизаси шунда. Энди олимларнинг бошига шундай бир фикр келиб қолди: «Агар пирамидани тўнтариб кўрса-чи?» Шундай моделни ясашди ҳам ва бу қутилгандан-да юксак натижалар берди. Тўнтарилган пирамидада вакт ва унинг ичига кирган нарсаларнинг балоғати тезлашиб кетар экан!

Айниқса, тирик организмларнинг фаолияти ниҳоятда ошаркан. Масалан, пенициллин моғораларининг ҳаётийлик фаолияти 10 фоизга ошиб кетди. Буғдой уруғи икки баробар тез етилди ва икки баробар кўп ҳосил берди.

Ҳозир чет элларда айрим қизиқувчилар пирамида шаклида ўзлари учун бир муддат дам оладиган, ухлайдиган жойлар қуришмоқда. Бундай қилганда уларнинг кайфиятлари кўтарилиб, яшариб, хотиралари ҳам тикланиб бораётган эмиш.

Ростов-Дондаги «Вечерний Ростов» газетасида бу қайғули воқеа ҳақида ёзишди. Эндигина 5 ёшга кирган болакай отаси билан кўчага отланди. Отаси танишиникига кирди-ю, тўсатдан шаҳарлараро телефон алоқа пунктига борадиган бўп қолди. «Саша, сен қимирламай шу ерда ўтир» дея болани ёлғиз ташлаб кетишди. Бола-бола да, тек ўтирармиди. Қараса, соябон турибди, кўзига парашютдай кўринди. Соябонни қўлига олди-ю, ғўдакларча ўзини осмонда парашютдан сакраётгандай тасаввур этди. Ёпинчиқни очди-ю, очиқ турган деразадан пастга сакради...

Оқибат. Оқибат ота масъулиятсизлигидан 6-қаватдан қулаган Саша ҳалок бўлди. Икки яшарлик адаши Сашанинг устига тушиб унинг умрига ҳам зомин бўлди. Икки қалтабин катталар кичикларнинг маънан қотилига айландилар.

Баъзан болаларнинг қалтис ўйинларига қараб «бир асради-я» дея бепарволикка бериламиз. Аммо омад боладан ҳам юз ўгириши, «сақламаслиги» мумкинку? Аслида шу ишларнинг айбдори катталар. Фақат буни анча кеч ўйлаб қоламиз.

Омадсиз «учувчи» Саша бунинг қурбони бўлди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади

Бурама шохли эчки ўғриси

Кривойроглик икки ҳайдовчи «Зил» машинасида кета туриб йўл четидаги «Манка»га кўзи тушиб қолди. Шартта машинага босишди-да, кўздан пана қилиб устини ёпишди. Эчкидай шатта жонивор йўқлигини йиғитлар билмаган чоғи. Аммо «Манка»нинг бекаси, Алёна хола эчкисининг йўқолганидан хабар топгач, шундай жангарилиги тутдики, бутун Полтавани «оёққа турғазаёзди». ДАН ходимлари, эчкичиликлар эчки учун «жанговар» ҳолатга келишди.

Йўқ, ўғрилар «эчкичилар»дан қутулишолмади. ДАН ходимлари ҳатто «Зил»нинг ғилдиракларига милтиқдан ўқ узишди. «Манка» ҳеч талофатсиз эгасига қайтарилди. Одамлар шунақа, содда-ку, йўқса, келиб-келиб Эчкичи туманидаги машҳур Эчкичилар қишлоғидан эчки ўғирлашадими?!

Омадсиз учувчи

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 6 oktyabr, seshanba · № 119 (23.356).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Кучлар тенг келмаганда

Спорт

Футбол мавсумининг «кузи» бошланганда табиатдаги сокинлик ўрнига, аксинча қизғин ва муросасизлик авжга чиқади. Боиси маълум. Ҳар бир жамоа эрта баҳордан бошланган курашни бой бермасликка, имкониятларидан етарли фойдаланишга, қолаверса, изланиб мухлислар олдида ёруғ юз билан манзилга етишга ҳаракат қилади. Назаримизда бу йилги мамлакат чемпионати бошқачароқ тус олмоқда. Гап шундаки, чемпионат якунлангани сари футболчилару мутахассислар янада ҳушёр тортгандек, ўз имкониятларини сарҳисоб қилишга куч бермоқдалар. Ҳар бир тур учрашувларнинг тобора қизиқарли ва мароқли, тўпларга бой бўлаётгани ҳам шундан.

Навбатдаги 24-тур учрашувлари ҳам шундан далолат берди. Саккизта учрашувда бирорта ҳам дуранг ҳисоби қайд қилинмагани ҳам ўйинларнинг жанговарлигидан нишона. Бунинг устига хоҳ пешқадам бўлсин, хоҳ ўнгланаётган ёки омади юришмай турган жамоалар ҳам дарвозаларини бедаҳл қолдиришга, енгилганда ҳам қуруқ қолмасликка ҳаракат қилишди. Энг йирик ҳисоб «Дўстлик» ва «Андижон» жамоалари ўртасида бўлди. Маълумки, андижонликлар қандай бўлмасин кучли олтиликдаги мавқеларини мустаҳкамлашга интилаётган жамоалардан бири саналади. «Дўстлик» эса мавсум охиригача олий лига билан хайрлашувчилар, яъни хавфли гуруҳдан йироқлашиб олишга уринаётган жамоадир. Нима бўлганда ҳам, бу ўйин мухлисларда зўр таассурот қолдирди. Майдон эгаларининг олтита тўпига меҳмонларнинг тўртта жавоб тўпи киритиши билан мезбонларга йирик ҳисобли ғалаба таъминланди.

«Пахтакор» билан «Нефтчи» ҳамон чемпионликка асосий даъвогарлардан бўлиб туришибди. Тўрт марта чемпион бўлган фарғоналикларни яна бир шундай шарафли унвонни қўлга киритиш хумори тутаётгани сир эмас. Улар куч бериб ҳар бир ўйинда пахтакорчиларни «таъқиб» қилишмоқда. Пахтакорчилар ҳам бу йил бўш келмай, чемпионликка талабгор эканликларини яширишмаяпти. Тошкентликлар «Металлург» жамоасини қабул қилиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишган бўлса, фарғоналиклар «Трактор» майдонида дарвозага учта жавобсиз тўп киритишди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Косонсой» — «Сурхон» (2:3), «Насаф» — «Темирйўлчи» (4:1), «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» (2:0), «Зарафшон» — «Хоразм» (3:2), МҲСК — «Бухоро» (2:6). Навбатдаги тур ўйинлари 8 октябрда бўлади. Мавсум тугашига эса, 6 тур учрашувлари қолди, холос. Энди жамоадар мавқеи билан танишинг.

	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	18	3	1	73-22	57
«Нефтчи»	17	5	2	66-21	56
«Навбаҳор»	15	5	4	53-25	50
«Сўғдиёна»	13	2	9	44-35	41
«Темирйўлчи»	11	4	9	43-50	37
«Бухоро»	10	4	10	39-36	34
«Зарафшон»	10	4	10	39-43	34
«Насаф»	9	7	7	33-26	34
«Андижон»	10	3	11	50-44	33
«Сурхон»	10	3	11	43-49	33
«Дўстлик»	7	10	6	41-33	31
«Хоразм»	8	6	10	30-44	30
«Трактор»	7	6	11	31-44	27
«Металлург»	5	6	13	29-27	21
«Косонсой»	2	4	18	27-58	10
МҲСК	0	4	20	17-81	4

Нафосат мактаби

Нафосат маскани деб аталмиш Республика рассомлик коллежи (РРК) тарихида, турли даврларда жаҳонга довруғи кетган ўзбек тасвирий ва амалий санъатини бутун дунёга ёйган машҳур рассом ва устозлар ҳамда адиблар таълим олишган. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш ўта қийин. Лекин тасаввур қилиш учун баъзи бирларини айтиб ўтмоқчимиз. Булар Т. Оганесов, Р. Чориев, Н. Раҳимбердиев, Г.Брим, F. Абдураҳмонов ва бошқалар.

Республика рассомлик коллежи Самарқандда Туркистон ҳукуматининг қарорига биноан 1918 йили 2 октябрда Рассомлик билим юрти сифатида ташкил этилди.

1928 йил 7 октябрдан Самарқанд тасвирий санъат техникумига айлантирилди. 1939 йилдан яна Самарқанд рассомлик билим юрти деб атала бошланди.

1948 йили Самарқанд рассомлик билим юрти билан Тошкент рассомлик техникуми бирлаштирилиб, Тошкентда П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртига айлантирилди ва унинг директори этилиб Самиғ Абдуллаев тайинланди.

1997 йилда Ўзбекистон Бадиий Академияси ташкил этилгандан сўнг Республика рассомлик билим юрти Республика рассомлик коллежи (РРК) мақомига эга бўлди.

Самарқанд, Тошкент кейинчалик Республика рассомлик билим юртларида дастлаб рассом-ўқитувчилар, театр декорацияси рассоми, ҳайкалтарошлик бўйича моҳир ижодкор мутахассислар тайёрланар эди. 1952-53 ўқув йилидан бошлаб амалий санъат (ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, кулолчилик, гилам тўқиш санъати, нақкошлик) бўлимлари очила бошланди.

1996-97 ўқув йилидан эса, мусиқа асбобларини таъмирлаш ва ясаш, 1997-98 ўқув йилидан РРК да заргарлик, 1998-99 ўқув йилидан мисгарлик мутахассисликлари ташкил этилди.

РРК нинг босиб ўтган қарийб 80 йиллик тарихида таниқли рассом педагоглар дарс беришган.

Шу кунларда РРКда академик-рассомлар, республика халқ рассомлари, хизмат кўрсатган рассомлар, халқ усталари, илмий унвонга эга ва олий тоифадаги, тажрибали ҳамда халқ маъорифи аълочилари дарс беришмоқда.

РРК да шу кунларда ўқувчилар 18та ихтисослик бўйича таълим олишмоқда, улар қуйидагилар: рангтасвир, ҳайкалтарошлик, театр декорацияси, дизайн (реклама ва саноат графикаси), бадиий бутафория, бадиий грим, бадиий либос, бадиий кулолчилик, шишага бадиий ишлов бериш, бадиий ганчкорлик, бадиий нақкошлик, ёғочга бадиий ишлов бериш, лок миниатюраси, китоб миниатюраси, санъат асарларини таъмирлаш ва сақлаш, заргарлик, мисгарлик, мусиқа асбобларини таъмирлаш ва ясаш.

РРКни битиргандан сўнг ўз ихтисосликлари бўйича умумтаълим мактабларида, рассомлик (тасвирий ва амалий санъат) билим юртлари, коллежлари, болалар санъат мактаблари, тасвирий ва амалий санъат студиялари ва тўгаракларида ўқитувчи, шу соҳанинг раҳбари сифатида хизмат қилиши мумкин.

РРКни имтиёзли битирганларга Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида олий маълумотли мутахассисликка ўқиш учун йўлланма берилади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин коллежимизнинг хориж мамлакатлари билан алоқасини кенгайтиришга имкон яратилди.

Туркия, Франция, Корея, АҚШ, Филяндия, Покистон, Ҳиндистон каби давлатларнинг вакиллари, дипломатлар, Санъат университетлари, музейларининг мутасадди раҳбарлари ва санъатшунослари фикрича Ўзбекистон бадиий таълим тизими, шахсан Республика Рассомлик Коллежи санъатнинг турли кўринишлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг кучли ва илмий асосланган узвий асосига эгадир.

Чунки, хорижда ташкил этилган коллежимиз талабалари ва ўқитувчиларининг қатор кўргазмаларида олинган совринлар ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонда ранг тасвир ва халқ амалий санъатига эътибор катталигидан далолат беради.

Коллежимизда бадиий таълим олиш истагини билдириб Корея, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Греция, Туркия ва бошқа хориж давлатлар фуқаролари мурожаат этишмоқда ва ўқишмоқдалар.

Коллежимизнинг қатор ўқитувчилари иқтидорли талабалар билан хориж мамлакатларида бадиий безаш ва тасвирий асарлар чизиш ишларини олиб боришмоқда. Жумладан 1996 йили Исломободда Халқ меросий музейининг Ўзбекистон учун ажратилган залини уста М. Тўраев ва F. Юлдошев ўз шогирдлари билан, 1997 йили яна Исломободда ўтказилган халқ амалий санъат фестивалида уста О. Файзуллаев F. Йўлдошев, М. Болтабоевлар бош совриндор деб топилди.

Ҳар йили республикамиз мустақиллиги ва Наврўзи олам шарафига Тошкент шаҳрининг қатор университет ва институт, жамоа марказларида талабаларнинг курс ва диплом ишларининг кўргазмалари ташкил қилинади.

Ҳар йили янги ихтисосликлар очилиши муносабати билан қатор устахоналар, кабинетлар, тажрибахоналар, ўқувчилар учун ётоқхоналар қурилиши режалаштирилмоқда.

Айниқса, Президентимиз И. А. Каримовнинг иқтидорли ёшларнинг таълим олиши, Ватанимизнинг ҳар томонлама мукаммал фарзандлари бўлиб етиши учун кўрсатаётган ғамхўрлиги, ёш авлодни тарбиялаётган мураббий устозларни ижтимоий ҳимоялаш, санъат аҳлини қўллаб-қувватлаш йўлида чиқарилаётган қатор фармонларга суяниб коллежнинг эртанги куни истиқболли эканига ишонамиз.

Ғуломжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Бадиий Академияси тассаруфидаги Республика рассомлик коллежи директори

Иброҳимжон Искандаров — «1998 йил киши»

Ўзбекнинг дунёни лол қолдирган олимлари кўп бўлган. Санайман десангиз, э-ҳе... Ўзбекнинг олимлари бугун ҳам дунёни лол қолдирмоқда. Иброҳимжон Искандаров — шуларнинг бири. Америка Библиография институти фандаги ютуқлари ва жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси учун ўзбекистонлик олим Иброҳимжон Искандаровга «1998 йил киши» фахрий унвонини берди.

И. Искандаров Ўзбекистонда ижтимоий фанларни, айниқса, иқтисодий фанларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. У муҳим иқтисодий дастурларнинг муаллифи бўлиб, 400 дан ортиқ илмий асарлар нашр эттирди. Унинг илмий асарларида ижтимоий-иқтисодий юксалишимизнинг, мустақиллигимизнинг интеграция жараёнлари таҳлил этилган. Олим 40 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодларини етиштирди. Бир неча бор хорижий мамлакатларда — АҚШ, Италия, Ҳиндистонда, Туркияда ўтказилган илмий анжуманларда иштирок этиб, улар билан ҳамкорлик ишларини мустаҳкамлашда фаол қатнашди.

Ҳозирги кунда И. Искандаров ЎзФА Иқтисодиёт институти бўлим раҳбаридир.

Олимнинг изланишлари жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортадиган муаммоларга бағишланди. Докторлик диссертацияси собиқ «марказ»нинг иттифоқдош республикаларга, айниқса «чекка» ўлкаларга, хусусан Ўзбекистонга нисбатан тутган иқтисодий сиёсати — колониал сиёсатнинг давоми — «буюк империячилик» — камситувчилик сиёсат эканлиги чуқур таҳлил қилинди ва республикамиз ҳар хил иқтисодий механизмлар ёрдамида унинг хомашё базасига айлантирилганлиги далиллар билан исботланди. Чунончи, тадқиқотларда бой хомашё ресурслари, айниқса олтин, стратегик материаллар, пахта, газ деярли тўла олиб кетилиб, жойларда қайта ишлаш корхоналари ташкил этилмаганлиги, бу эса аҳоли тез суръатлар билан ўсаётган республикада жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқараётгани қайд этилди.

И. Искандаров ўз изланишларида кейинги йилларда республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш ва уни шакллантириш жараёнларига катта эътибор берди. У бозор иқтисодиётига шошма-шошарликсиз, чуқур мулоҳаза билан ўтиш тарафдори бўлди. У энг аввало қишлоқ жойларида бандлик асосида ишлаб чиқаришга имкониятлар яратиш зарурлигини тавсия қилди.

Бозор иқтисодиётининг афзаллик томонлари билан бирга унинг социал иллатлари ўта хавфли эканлигини эътироф этди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари бўйича АҚШнинг собиқ давлат секретари, профессор Генри Кессинжер билан Тошкентда бўлган чоғида мулоқотда бўлди. Бозор иқтисодиёти ниҳоятда мураккаб ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси эканлиги ва унинг ижобий фазилатлари фақатгина самарали меҳнат, маънавий юксалиш, аҳиллик туфайлигина намоён бўлиши борасида ҳамфикрлик билдирилди.

Олим республикамизнинг жаҳон иқтисодий интеграциясида жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, унинг бой салоҳияти, иқтисодий имкониятлари бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Унинг муҳим изланишларидан жаҳон эътиборини ўзига қаратган соҳа — Орол экологик фожиасини бартараф этишнинг иқтисодий муаммоси дастуридир. Бу жараённинг энг хавфли оқибати сув танқислиги туфайли Оролнинг йўқ бўлиб кетиши ва Марказий Осиёда «буюк» саҳронинг таркиб топиши натижасида аҳолининг бир қисмини мумкин бўлмаган (йўқ маконга) минтақага кўчирилиши зарурлигидир. И. Искандаров тавсия қилган дастурга асосан, қуриб кетаётган Орол денгизига тошиб бораётган Каспий денгизининг атрофини ҳалокатга келтираётган ортиқча сувни магистрал, кема қатнайдиган канал қурилиши, яъни «Орол-Каспий сув халқасини» бунёд этиш иккала қитъани экологик жиҳатдан қутқазишни энг арзон ва самарали йўли сифатида кўрилади. Изланишлар натижаси ўлароқ И. Искандаров раҳбарлигида 1995 йил сентябрь ойида «Орол бўйининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари тадқиқотлари» бўйича Жаҳон банки Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда халқаро илмий-амалий конференция ўтказди. Унга биноан Орол экологик муаммолари, Орол бўйи минтақасида Жаҳон банки билан бирга И. Искандаров бошчилигида амалга оширилган «Сув таъминоти», «Саломатлик», «Санитария» муаммолари бўйича бажарилган аниқ, социологик тадқиқотлар ҳам кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиниб, унинг натижалари ҳозирда амалиётда қўлланилмоқда.

Халқаро тадқиқотлар институти кенгаши президенти Д. М. Еванс номидан «1998 йил киши» фахрий унвонини олган И. Искандаровга келган табрик хатида олимнинг катта хизматлари эътироф этилади.

Рашид АКРАМ

«Имло қоидалари»даги имловий хатолар

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

«Халқ таълими» ва «Бошланғич таълим» журналларининг 1995 йил 9-12 сонларида ҳамда «Тил ва адабиёт таълими» журналининг 1996 йил 2-сонида чоп этилган «Имло қоидалари» матнида афсуски, чалкашликларга, янги алифбо ҳарфларининг ёзилишида қатор хатоларга йўл қўйилган.

Бизнингча, аслида тилдаги бир фонема (товуш)га битта ҳарф олиниши ва у махсус шаклга эга бўлиши, ҳар бир ҳарфнинг тагшакли бошқасидан тубдан ажралиб туриши, ҳарф шаклининг яхлит бўлиши мақсадга мувофиқдир. Худди ана шулар туфайли янги алифбо ҳарфларининг ёзилишида айрим чалкашликлар содир бўлган.

«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»нинг 5-бандида «ў» унлиси ва 28-бандида эса, «ғ» ундоши қоидалаштирилган. Мазкур иккала фонема учун «ҳарф ва белги»дан фойдаланилган. Бироқ бу фонемалар «расми» даги «белги» қисми «Имло қоидалари»да келтирилган «тутуқ белгиси» (апостроф) билан айнан бир хил шакл — белги эмас. Бинобарин ўзбек лотин ёзувида «ў», «ғ» ҳарфларининг белгиси имлодаги «тутуқ белгиси» (апостроф) билан аралаштирилмаслиги лозим. Акс ҳолда имлода қатор чалкашликлар келиб чиқиши мумкин. Айрим мутахассислар «ў» ва «ғ»нинг компьютерда белгиси йўқ, деб эътироз билдиришяпти. Минг афсуслар бўлсинки, компьютерда худди «ў» ва «ғ» га тегиши белги (') мавжуддир. Йўқ бўлган тақдирда ҳам, ўша белгиларни замонавий ҳисоблаш машиналари — компьютерларга бемалол киритиш — жойлаштириш мумкин. Чунки инсон компьютер учун эмас, балки компьютер инсон учун-ку.

«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» (Т., «Ўқитувчи», 1995) матнида ҳатто биттаям имловий хато учрамаслиги шарт эди. Бу ўринда йўл қўйилган хатоларни кўпинча босмахона хатоси, матбаа хатоси, деб қутилишади. Ваҳоланки, «Имло қоидалари» махсус қоидалаштирилган бўлиб, саводхонлик учун асосий ҳужжат — «паспорт» ҳисобланади. Гарчи битта имловий хато бўлса ҳам, унга аниқликлар киритилиши зарур, деб ўйлаймиз.

Айрим далиллар келтирамиз:

«Ўқитувчи» нашриёти чоп этган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»нинг 4-саҳифасидаги 18-бандида «жийда», «журнал» сўзлари нотўғри ёзилган. Шунингдек, 35-бандда «олмошларига», 55-бандда «-ю» юкламаси, 71-бандда «соғлиқни» сўзининг ёзилишида хатоларга йўл қўйилган. Китобчанинг 4, 6, 7, 11 ва 15-саҳифаларида тиниш (пунктуацион) хатолар мавжуд. Китобчанинг қайта нашр этилишида бу хатоларни синчковлик билан диққат-эътиборга олиш керак.

«Халқ таълими» журналининг 1995 йил 9-12-сонида эълон қилинган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»да «Тутуқ белгиси» (апостроф)нинг ёзилиши шакли билан ўзбек лотин алифбосида «ў» ва «ғ» ҳарфларининг босма шаклларидаги «белги» мутлақо фарқланмай, бир хил шаклда ўтиб юборилган. Ҳатто журнал муқовасининг ўзида ҳам («Халқ таълими»да) тутуқ белгисининг шакли нотўғри. Юзаки қараганда булар жузъий кўринади. Аслидачи?!

«Бошланғич таълим» (1995, 9-12-сон) дан ташқари «Халқ таълими» журналида чоп этилган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» матнида келтирилган 82 банддан 56 тасида «ў» ва «ғ» нинг босма шаклларида қўйиладиган «белги»ни «тутуқ белгиси» билан аралаштириб-алмаштириб юборилган. Буларни синчиклаб ўқиб чиққан киши англайди, албатта. Мазкур журнал («Халқ таълими»)даги «Имло қоидалари»да: 17-бандда «Исҳоқ» атоқли оти кичик ҳарф билан ёзилган; 26-банднинг ҳаммасида «нг» ҳарф бирикмаси «нқ» тарзида ёзиб юборилган (жами - ўн битта); 33, 35 ва 55-бандларда қўшимчалар чизиқчасиз келтирилган; 55-бандда «куйди-пишди»; 60-бандда «бирваракайига» сўзлари хато ёзилган. Шунингдек, 81, 82-бандлардаги имловий қоидаларга келтирилган мисолларда қоида талабларига риоя этилмаган. Худди шу каби хато ва камчиликлар, чалкашликлар «Тил ва адабиёт таълими» журнали (1996 йил, 2-сон, 5-18-бетлари)да ҳам кўплаб учрайди.

Хўш, бу хатоларни 15.101 нусхада чоп этилган «Халқ таълими» ва 5.600 нусхада чоп этилган «Тил ва адабиёт таълими» журнали муштарийларига қандай тушунтирамиз?! Кутубхоналардан ўқиш учун олиб фойдаланиладиган журналхонларгачи?!

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини ўқитиш-ўргатиш ўқитувчиларимиздан катта масъулият талаб этади. Шунинг учун ҳам янги алифбо ва имло таълимидан дарс берувчилар, албатта, 82 бандлик «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» ни пишиқ ва пухта ўзлаштириб олган бўлишлари ва унга қатъий амал қилишлари, зотан «имло — саводхонлик асоси» эканлигини ёдларида мустаҳкам тутишлари зарур.

Суннатулла РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Уларнинг аксарияти республикамизда ижод қилмоқдалар ва асарлари республикамиз ва дунёнинг кўплаб музейларидан ҳақли равишда ўрин олган.

Республика рассомлик коллежи Самарқандда Туркистон ҳукуматининг қарорига биноан 1918 йили 2 октябрда Рассомлик билим юрти сифатида ташкил этилди.

1928 йил 7 октябрдан Самарқанд тасвирий санъат техникумига айлантирилди. 1939 йилдан яна Самарқанд рассомлик билим юрти деб атала бошланди.

1948 йили Самарқанд рассомлик билим юрти билан Тошкент рассомлик техникуми бирлаштирилиб, Тошкентда П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртига айлантирилди ва унинг директори этилиб Самиғ Абдуллаев тайинланди.

1997 йилда Ўзбекистон Бадиий Академияси ташкил этилгандан сўнг Республика рассомлик билим юрти Республика рассомлик коллежи (РРК) мақомига эга бўлди.

Самарқанд, Тошкент кейинчалик Республика рассомлик билим юртларида дастлаб рассом-ўқитувчилар, театр декорацияси рассоми, ҳайкалтарошлик бўйича моҳир ижодкор мутахассислар тайёрланар эди. 1952-53 ўқув йилидан бошлаб амалий санъат (ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, кулолчилик, гилам тўқиш санъати, нақкошлик) бўлимлари очила бошланди.

1996-97 ўқув йилидан эса, мусиқа асбобларини таъмирлаш ва ясаш, 1997-98 ўқув йилидан РРК да заргарлик, 1998-99 ўқув йилидан мисгарлик мутахассисликлари ташкил этилди.

РРК нинг босиб ўтган қарийб 80 йиллик тарихида таниқли рассом педагоглар дарс беришган.

Шу кунларда РРКда академик-рассомлар, республика халқ рассомлари, хизмат кўрсатган рассомлар, халқ усталари, илмий унвонга эга ва олий тоифадаги, тажрибали ҳамда халқ маъорифи аълочилари дарс беришмоқда.

РРК да шу кунларда ўқувчилар 18та ихтисослик бўйича таълим олишмоқда, улар қуйидагилар: рангтасвир, ҳайкалтарошлик, театр декорацияси, дизайн (реклама ва саноат графикаси), бадиий бутафория, бадиий грим, бадиий либос, бадиий кулолчилик, шишага бадиий ишлов бериш, бадиий ганчкорлик, бадиий нақкошлик, ёғочга бадиий ишлов бериш, лок миниатюраси, китоб миниатюраси, санъат асарларини таъмирлаш ва сақлаш, заргарлик, мисгарлик, мусиқа асбобларини таъмирлаш ва ясаш.

РРКни битиргандан сўнг ўз ихтисосликлари бўйича умумтаълим мактабларида, рассомлик (тасвирий ва амалий санъат) билим юртлари, коллежлари, болалар санъат мактаблари, тасвирий ва амалий санъат студиялари ва тўгаракларида ўқитувчи, шу соҳанинг раҳбари сифатида хизмат қилиши мумкин.

РРКни имтиёзли битирганларга Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида олий маълумотли мутахассисликка ўқиш учун йўлланма берилади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин коллежимизнинг хориж мамлакатлари билан алоқасини кенгайтиришга имкон яратилди.

Туркия, Франция, Корея, АҚШ, Филяндия, Покистон, Ҳиндистон каби давлатларнинг вакиллари, дипломатлар, Санъат университетлари, музейларининг мутасадди раҳбарлари ва санъатшунослари фикрича Ўзбекистон бадиий таълим тизими, шахсан Республика Рассомлик Коллежи санъатнинг турли кўринишлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг кучли ва илмий асосланган узвий асосига эгадир.

Чунки, хорижда ташкил этилган коллежимиз талабалари ва ўқитувчиларининг қатор кўргазмаларида олинган совринлар ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонда ранг тасвир ва халқ амалий санъатига эътибор катталигидан далолат беради.

Коллежимизда бадиий таълим олиш истагини билдириб Корея, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Греция, Туркия ва бошқа хориж давлатлар фуқаролари мурожаат этишмоқда ва ўқишмоқдалар.

Коллежимизнинг қатор ўқитувчилари иқтидорли талабалар билан хориж мамлакатларида бадиий безаш ва тасвирий асарлар чизиш ишларини олиб боришмоқда. Жумладан 1996 йили Исломободда Халқ меросий музейининг Ўзбекистон учун ажратилган залини уста М. Тўраев ва F. Юлдошев ўз шогирдлари билан, 1997 йили яна Исломободда ўтказилган халқ амалий санъат фестивалида уста О. Файзуллаев F. Йўлдошев, М. Болтабоевлар бош совриндор деб топилди.

Ҳар йили республикамиз мустақиллиги ва Наврўзи олам шарафига Тошкент шаҳрининг қатор университет ва институт, жамоа марказларида талабаларнинг курс ва диплом ишларининг кўргазмалари ташкил қилинади.

Ҳар йили янги ихтисосликлар очилиши муносабати билан қатор устахоналар, кабинетлар, тажрибахоналар, ўқувчилар учун ётоқхоналар қурилиши режалаштирилмоқда.

Айниқса, Президентимиз И. А. Каримовнинг иқтидорли ёшларнинг таълим олиши, Ватанимизнинг ҳар томонлама мукаммал фарзандлари бўлиб етиши учун кўрсатаётган ғамхўрлиги, ёш авлодни тарбиялаётган мураббий устозларни ижтимоий ҳимоялаш, санъат аҳлини қўллаб-қувватлаш йўлида чиқарилаётган қатор фармонларга суяниб коллежнинг эртанги куни истиқболли эканига ишонамиз.

Ғуломжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Бадиий Академияси тассаруфидаги Республика рассомлик коллежи директори

Бўлғуси фахрларимиз.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил:

Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-11.

Факс: 54-49-11

Пейжер: (067) 90-79

Қашқадарё вилоят, Шаҳрисабз шаҳар 41- ўрта мактаб томонидан Чориев Жамшидга берилган ÖR-Д 151226 рақамли йўқолган шаҳодатнома БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА